



СУВНИНГ ИНСОН ҲАЁТИДАГИ ГИГИЕНИК МОҲИЯТИ

Г.И.Шарипова

PhD., доцент

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти,
Ўзбекистон

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8385961>

ARTICLE INFO

Received: 20th September 2023

Accepted: 27th September 2023

Online: 28th September 2023

KEY WORDS

Эрозия, метеорит, дисперс,
аморф, пневмокозиоз,
силикоз, силикатоз.

ABSTRACT

Ушбу мақолада сувнинг инсон организмидаги ўрни, гигиеник аҳамияти тўғрисида маълумот берилган.

Сув табиатнинг энг ноёб, нодир ҳамда бебаҳо бойликларидан бири ҳисобланади. У бутун тирик жонзот, инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун ҳаёт, яшаш манбаидир. Сув табиий атроф-муҳит мувозанатини сақлаб, уни 5 мўтадил ҳолатда ушлаб турувчи асосий омил ролини ўйнайди. Шунингдек, сув халқ хўжалиги, саноат, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқаришда асосий воситалардан биридир. Мамлакатимиз суғориладиган деҳқончиликка эга бўлиб, бунда сув муҳим роль ўйнайди.

Сув ҳаётимизнинг мазмуни, умримизнинг бир бўлагидир. Сайёрамизда сув пайдо бўлганидан кейингина ҳаёт пайдо бўлган. Шу сабабдан ота-боболаримиз сувни сақлашга, ундан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берганлар.

Дарвоқе, сув инсоннинг нафақат нафсини, чанқоғини қондиришга, балки уни поклаш учун, иймонини, эътиқодини мустаҳкам сақлаш учун ҳам зарур табиий воситалардан биридир. Сув беҳад катта қудратга эга. У энг митти гиёҳдан тортиб, жамики жонзотга ҳаёт бахш этади. Бизга қувонч, яхши кайфият бағишлайдиган турфа гуллардан тортиб, боғ-роғлар, полиз экинлари сув билан тирик.

Тарихшунос олим С.А.Семеновнинг хулосасига кўра қадимги цивилизация ўчоқларида (Миср, Месопотамия, Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё) бирон бир қабила, миллат, ёки давлатни босиб олиш учун авваламбор уларни сувсиз қолдирганлар. Бунинг учун душманлар дарё, канал ёки ариқларда ўрнатилган сув иншоотларидан фойдаланганлар, яъни улар орқали сувни тўхтатиб қўйганлар, аҳоли пуктига оқаётган сувни бошқа жойларга буриб қишлоқ ёки шаҳарларни сувга бостириб юборганлар. Ҳозирги кунда ҳам, айниқса иссиқ ва суғорма деҳқончилик тарқалган ўлкаларда, сув иншоотлари миллат ва давлат хавфсизлигини таъминлаб турувчи омил сифатида қаралади. "Сув учун кураш ҳаёт учун кураш" деб бежизга айтишмаган. Зеро, инсоният ҳаёти давом этиши учун одамлар сувни, ердаги сув манбаларини, аввало тоза сувни эҳтиёт қилишлари лозим.



Сув табиатда кенг тарқалган, ер юзининг қарийб 3/4 қисмини ташкил қилади. Гидросфера умумий ҳажмининг қарийб 94 фоизи океан ва денгизлардир; 4 фоизи ер ости сувларига, 2 фоизи муз ва қорларга (асосан, Арктика, Антарктида ва Греландия), 0,4 фоизи қуруқликлардаги сувларга (дарёлар, кўллар, ботқоқликларга) тўғри келади. Атмосфера ва организмларда ҳам сув бор. Ижтимоий тармоқлардан олинган маълумотларга кўра ер юзасига бир йилда ёғадиган ёғин миқдори қуруқлик ва океанлар юзасидан буғланадиган сув миқдорига тенг экан,

Сувнинг кенг тарқалганлиги ва унинг инсонлар ҳаётидаги аҳамияти катталиги туфайли қадимдан ҳаёт манбаи ҳисобланади. Қадимги дунё файласуфлари фикрича сув тириклик учун зарур бўлган 4 унсурнинг биридир (олов, ҳаво, тупроқ қатори).

Жумладан, тарихий – адабиёт ёдгорлигимиз бўлмиш Авестода сувга алоҳида муносабат билдирилган. Тоза сув билан боғлиқ кўл, қудуқ ва булоқларга ҳар қандай нопок нарсалар яқинлашмаслиги керак, деб ҳисобланган. “Покиза сув ва ёниб турган олов қаршисида гуноҳлик қилган зотнинг дўзахда топгуси жазоси бу дунёнинг жамийки дарду озорларидан мудҳиш”... (“Вандидод”, 4-фарағард, 54-банд) деб огоҳлантирилган.

Муқаддас Қуръони Каримда ҳам сув билан боғлиқ оятлар келтирилади. “Сизлар ўзларингиз ичадиган сув ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми?” (Воқиъа сураси)... барча жонли мавжудотни сувдан (пайдо) қилганмиз кўрмадингларми?” (Анбиё сураси). XX аср охирига келиб инсоният олдида сув тақчиллиги муаммоси пайдо бўлди. БМТ томонидан келажакда инсониятни тоза сув билан таъминлаш муаммоларига бағишланган Сув ресурслари бўйича 3-жаҳон форуми ўтказилган (2003, Киото). 2003 йил Халқаро тоза сув йили деб эълон қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Атроф-муҳит муҳофазаси” дастури (ЮНЕП) маълумотларига кўра сайёрамиздаги дарёларнинг ярми жиддий ифлосланган.

Ер шари аҳолисининг 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. Яна 30 йилдан сўнг тоза ичимлик суви танқис ресурс бўлиб қолиши мумкин. Ҳар йили тоза ичимлик суви танқислиги туфайли 1,2 млн киши турли хил хасталикларга дучор бўлмоқда. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЕ) маълумотиغا кўра, ҳар йили 5 млн киши ифлосланган ва сифатсиз сувдан истеъмол қилишга мажбур бўлмоқда.

Бундай шароитда сув захираларидан тежамли оқилона, самарали, илм-фан тавсиялари асосида фойдаланиш ва унинг муҳофазасини тўғри таъминлаш бугунги куннинг биринчи даражали вазифаларидан биридир. Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги миллий қонунни қабул қилган. Ушбу қонун 29 боб, 199 моддадан иборат. Ўзбекистон Республикасида сувга оид муносабатлар ушбу қонун ҳамда унга мувофиқ чиқарилган сув тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак сув фақатгина одамлар учун эмас балки атрофимиздаги бошқа эҳтиёжларимиз учун ҳам зарур бўлган ноёб бебаҳо бойлигимиздир. Уни ўз вақтида тежамкорона ишлатиб келажак авлодга ҳам борица етказишимиз керак.



References:

1. Sharipova G. I. The effect of dental treatment-profilactics on the condition of oral cavity organs in children with traumatic stomatitis // Тиббиётда янги кун. Бухара. – 2022. – № 5 (43). – С. 103-106. (14.00.00; № 22)
2. Шарипова Г. И. Эрта ёшдаги болалар травматик стоматитлар билан оғриганда оғиз бўшлиғи микрофлорасининг иммуно-микробиологик жиҳатлари // Биология ва тиббиёт муаммолари. Самарқанд. – 2022. – № 2 (136). – С. 296-298. (14.00.00; № 19)
3. Sharipova G. I. Light and laser radiation in medicine // European journal of modern medicine and practice. Belgium. – 2022. – Т. 2. – №. 1. – С. 36-41. (Impact factor: 5.71)
4. Sharipova G. I. The use of flavonoid based medications in the treatment of inflammatory diseases in oral mucus //Asian journal of Pharmaceutical and biological research. India. – 2022. – Т. 11. – №. 1. – С. 2231-2218. (Impact factor: 4.465)
5. Sharipova G. I. Changes in the content of trace elements in the saliva of patients in the treatment of patients with traumatic stomatitis with flavonoid-based drugs // Journal of research in health science. Iran. – 2022. – Т. 6. – № 1-2. – С. 23-26. (Scopus)
6. Sharipova G. I., Nuraliyev N. A. General description and research methods used in children with traumatic stomatitis // European Journal of Research. Austria. – 2022. – Т. 7. – № 1. – С. 51-56. (Impact factor: 4.981)
7. Kamalova M. K., Sharipova G. I. Technique of therapeutic effect of low-intensity laser radiation in case of oral trauma // «World Bulletin of Public Health». – Germany. – 2021. – №. 4. – С. 69-72. (Impact factor: 5.93)
8. Sharipova G. I. Paediatric Lazer Dentistry //International Journal of Culture and Modernity. Spain. – 2022. – Т. 12. – С. 33-37.
9. Sharipova G. I. The effectiveness of the use of magnetic-infrared-laser therapy in traumatic injuries of oral tissues in preschool children //Journal of Academic Leadership. India. – 2022. – Т. 21. – №. 1.
10. Sharipova G. I. Discussion of results of personal studies in the use of mil therapy in the treatment of trauma to the oral mucosa //European journal of molecular medicine. Germany. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 17-21.
11. Sharipova G. I. Peculiarities of the morphological structure of the oral mucosa in young children // International journal of conference series on education and social sciences. (Online) May. Turkey. – 2022. – С. 36-37.
12. Sharipova G. I. Dynamics of cytological changes in the state of periodontal tissue under the influence of dental treatment prophylactic complex in young children with traumatic stomatitis // Multidiscipline Proceedings of digital fashion conference April. Korea. – 2022. – С. 103-105.
13. Шарипова Г.И. Травматик стоматит билан оғриган болаларда стоматологик касалликларни комплекс стоматологик даволаш ва уларнинг олдини олишни баҳолаш // Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: даврий анжуманлар: 18-қисм. Тошкент. –2021. – С. 14-15.
14. Шарипова Г.И. Мактабгача ёшдаги болаларда оғиз бўшлиғи юмшоқ тўқималарининг шикастланишларини комплекс даволашда магнит-инфрақизил-лазер терапиясини қўллаш самарадорлиги // Услубий тавсиянома. Бухоро. – 2022. – 21 б.



15. Karshiyeva D.R., Atmospheric dust and its effects on human health//ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Volume: 11 Issue: 03I May 2021 ISSN: 2249-7137. Page 1168-1172
16. Karshiyeva D.R., The Importance of Water Quality and Quantity in Strengthening the Health and Living Conditions of the Population//CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES. Volume: 02 Issue: 05I Oct 28 2021 Page 399-402
17. Karshiyeva D.R., The Role Of Human Healthy And Safe Lifestyle In The Period Of Global Pandemic-Covid 19//The American Journal of Applied Sciences. Volume: 02 Issue: 11-15I November 28, 2020 ISSN: 2689-0992. Page 78-81